

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc  
27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШЕРОВ САНЖАР РАДЖАБОВИЧ**

**СУҒУРТА ИНСТИТУТИ ВА УНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Шеров Санжар Раджабович**

Суғурта институти ва уни инновацион ривожлантириш йўналишлари.....3

**Шеров Санжар Раджабович**

Институт страхования и пути его инновационного развития.....29

**Sherov Sanjar Radjabovich**

Insurance institute and ways of its innovative development.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publication works.....59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc  
27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШЕРОВ САНЖАР РАДЖАБОВИЧ**

**СУҒУРТА ИНСТИТУТИ ВА УНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt729 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримова Комила Данияровна**  
иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Олимжонов Одил Олимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Рахмонов Дилшоджон Алиджонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.1.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ кунлари соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ кунлари тарқатилган.  
(2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Н.Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И.Каримкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда суғурта институтининг ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий индикаторлардан бири суғурта мукофотларининг зарарлилик коэффиценти ҳисобланади. Бу коэффицент орқали ҳар бир мамлакат миқёсида суғурта мукофотлари ҳажмининг ҳар бир суғурта ҳодисаси оқибатида кўрилган зарар қопланиши билан боғлиқ сарф-харажат даражаси ифодаланади. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ўрта ҳисобда “65-70 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда 50-55 фоизни ташкил этмоқда”<sup>1</sup>. Шунингдек, суғурта институтининг ривожланганлигини намоён этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири бу суғурта мукофотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳисобланади. Бу кўрсаткич “Тайванда 19; ЖАРда 14; Жанубий Кореяда 13; Финляндияда 12; Буюк Британияда 11; АҚШда 7; Австралияда 6,5; Германияда 6; Россияда эса 1,2 фоизни ташкил этади”<sup>2</sup>. Жаҳон амалиётида бу кўрсаткичлар орқали мамлакат иқтисодиётида суғурта институтларини ривожланиш даражаси баҳоланмоқда.

Халқаро амалиётда суғурта институти ва уни инновацион ривожлантириш масалаларига дахлдор қатор илмий тадқиқот ишларида суғурта компанияларини ривожлантириш концепцияси, инновацион иқтисодиётда суғурта институтининг роли, шунингдек, рискларни суғурта институтлари орқали бошқариш масалалари юзасидан илмий изланиш натижалари эълон қилиниб келинмоқда. Лекин суғурта институтининг асосий элементлари, субъектларини ривожлантириш, инновацион иқтисодиётда суғурта институтларини тартибга солиш ва назорат қилиш, бошқариш ва инновацион суғурта маҳсулотларини яратиш масалалари етарлича яхлит тарзда очиб берилмаган. Бу, ўз навбатида, суғурта институти ва уни инновацион ривожлантиришга оид кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда суғурта соҳаси ривожлантириш амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда суғурта соҳасини ривожлантиришда “янги турлардаги суғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган”<sup>3</sup>. Шунга асосланиб суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини уч баравар, соҳанинг ялпи ички

<sup>1</sup> [www.deloitte.com/us/en/pages/dbriefs-webcasts/events/january/2019/dbriefs-2019-insurance-outlook-long-term-challenges-call-for-transformation.html](http://www.deloitte.com/us/en/pages/dbriefs-webcasts/events/january/2019/dbriefs-2019-insurance-outlook-long-term-challenges-call-for-transformation.html).

<sup>2</sup> Insurance Analytics Market by Component, Business Application, Deployment Model, Organization Size, End-User And Region - Global Forecast to 2023. May 2018, ID: 5398027, Format: PDF, By MarketsandMarkets, 178 pages.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

маҳсулотдаги улушини эса икки баравар ошириш вазифаси қўйилган. Бу ўз навбатида, суғурта институти фаолиятининг инновацион ривожланишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” Фармони, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги 222-сон “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 26 июнда 477-сон қабул қилинган “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг молиявий аҳволини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва ушбу соҳадаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I “Демократия ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Суғурта фаолиятини ислох қилиш ва суғурта институтларини ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қатор иқтисодчи олимлар томонидан, хусусан, суғурта институтларини ривожлантириш хорижий иқтисодчи олимлардан Seth Kravitz, Lev Barinskiy, Matt Wilson, Jack Kinder Jr., Robert H., II Jerry, Douglas S. Richmond, Rene Doff, Давид Бланд, В.Ю.Абрамов, Ш.Р.Агеев, Н.М.Васильев, С.Н.Катырин, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов, В.С.Белых, Н.Б.Грищенко, К.Е.Трубина, Т.А.Федорова, В.В.Шахов, А.С.Миллерман, В.Г.Медведевлар томонидан тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Ўзбек олимлари Ҳ.Р.Собиров, Х.М.Шеннаев, Т.М.Баймуратов, А.А.Нуруллаев, Қ.М.Қўлдошев, И.Х.Абдурахмонов, С.Умаров ва бошқалар

---

<sup>4</sup> Seth Kravitz, Lev Barinskiy, Matt Wilson “Mastering Insurance Marketing”, CreateSpace Independent Publishing Platform, UK, 2010., Jack Kinder Jr. Garry Kinder “Secrets of Successful Insurance Sales”, Napoleon Hill Foundation, UK, 2012., Robert H., II Jerry, Douglas S. Richmond “Understanding Insurance Law”, LexisNexis; 5 editions, UK, 2012., Rene Doff “Risk Management for Insurers, Third Edition”, Risk Books, 2015., Давид Бланд. Страхование: принципы и практика. Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика, 1998. – С. 416., Абрамов В.Ю. Страхование: теория и практика. – М.: Волстер Клувер, 2007. – С. 512., Агеев Ш.Р., Васильев Н.М., Катырин С.Н. Страхование (теория, практика и зарубежный опыт). – М.: Экспертное бюро, 2009. – С. 497., Балабанов.И.Т., Балабанов А.И. Страхование. Санкт-Петербург.: изд. Питер, 2001. – С. 350., Белых В.С. Страхование право. – М.: Норма, 2009. – С.352, Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, 2004. – С. 352., К.Е. Турбина Теория и практика страхования: учеб. пособие – М.: Анкил, 2003. – 703 с. Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. Учебник. – М.: РСК, 2008. – С.699., Шахов В.В., Миллерман А.С., Медведев В.Г. Теория и управление рисками в страховании. – М.: Финансы и статистика, 2008. – С. 224.

томонидан суғурта институтини ривожлантиришнинг айрим масалалари таҳлил этилган<sup>5</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасини “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** суғурта институтини инновацион ривожлантириш йўналишлари тадқиқи асосида ушбу фаолиятни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

суғурта институтининг мазмун-моҳияти ва унинг иқтисодиётдаги ўрнини аниқлаштириш;

суғурта институтларини инновацион ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий ва методологик қарашларни тизимли ёндашув асосида умумлаштириш;

суғурта институти фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, суғурта институтларини бошқаришнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;

суғурта институтини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш;

суғурта институтининг ҳозирги ҳолати таҳлили асосида унинг ривожланиш анъаналарини аниқлаштириш;

суғурта институтини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига дахлдор тегишли тавсияларни шакллантириш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда суғурта институтлари ва уларни инновацион ривожлантириш билан боғлиқ фаолият олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** суғурта институти ва уни инновацион ривожлантириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаштириш, абстракт-антикий фикрлаш, таққослаш ва омилли таҳлил, эксперт баҳолаш, ахборотни қайта ишлаш, актуар ҳисоб-китоб усулларидан фойдаланилган.

---

<sup>5</sup> Собиров.Х.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. -Т.: “Меҳнат”, 1998. - 160 б; Шеннаев Х.М. Проблемы становления страхового рынка в Узбекистане: Автореферат диссертации на соискание ученой степени к. э. н. М.: 1996. Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.:2004. Нуруллаев А.С. Ўзбекистон Республикасида фермер ва деҳқон хўжалиқларини суғурталаш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати.– Т.: БМА, 2007.-23. б.; Қулдошев К.М. Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.:БМА, 2009. -23 б; Абдурахманов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати. - Т.: БМА, 2010.- 20 б; Умаров, Хасан Суннатуллаевич. Страховой рынок Узбекистана: основные проблемы и тенденции развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к. э. н. –М.: 2013.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

барча мажбурий суғурта турларига ягона талабни белгилаш ҳамда мажбурий суғурталанадиган фаолиятда суғурта хизматларини кенгайтириш асосида суғурта институти молиявий барқарорлигини ошириш асосланган;

суғурта институтлари фаолиятида суғурта қилдирувчи олдидаги ўз мажбуриятини бажара олмаганда, уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизми таклиф этилган;

аҳоли ўртасида суғурта бозорини кенгайтиришда транспорт воситалари эгаларининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан суғурта тўловларини тўлаб бериш услуби соддалаштирилган;

интерактив суғурта хизматларини жорий этиш асосида суғурта институтини инновацион ривожлантириш усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

суғурта институти ва уни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланган;

суғурта институтининг ажралмас қисми бўлган суғурта омбудсмани жорий этилиши ва унинг бозордаги ижтимоий-иқтисодий ролдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда суғурта омбудсманининг фаолият кўрсатиш механизми ишлаб чиқилган;

мамлакатимизда суғурта институтини давлат томонидан инновацион ривожлантириш механизми ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этиш йўналишлари аниқланган;

мамлакатимизнинг етакчи суғурта ташкилотларида кўрсатилаётган хизматлар таҳлили мисолида суғурта институти олдида турган муаммолари асосланган ва ечимлар таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муайян норматив ҳужжатлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат суғурта назорати инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига таянилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда суғурта институтини инновацион ривожлантиришга бағишланган махсус, мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришда кенг қўламда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан суғурта институти фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштириш, ислоҳ этишга бағишланган қонунлар, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, суғурта институти фаолиятини инновацион ривожлантиришга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда суғурта



институти фаолиятини инновацион ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

суғурта институти фаолиятини кенгайтириш ва молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан, хусусан, барча мажбурий суғурта турларини ягона хужжатга мужассамлаштириш ва мажбурий суғурталанадиган фаолият турларини кенгайтириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 30 июндаги ДС/03-02-32/3186-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида суғурталанадиган фаолият турларини кенгайтириш орқали иқтисодиётга қўшимча 100,0 млрд. сўм атрофида жамғарма шакллантириш имконияти яратилган;

суғурта институтларининг молиявий барқарорлигини ошириш учун давлат томонидан маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги 477-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 30 июндаги ДС/03-02-32/3186-сон маълумотномаси). Натижада мазкур таклиф асосида давлат томонидан “Ўзагросуғурта” компанияси устав фондини мустаҳкамлаш учун 73 млрд. сўм маблағ ажратиб берилган ҳамда “Ўзбекинвест” суғурта компанияси устав фонди 221,6 млрд. сўмга оширилган;

аҳоли ўртасида суғурта бозорини кенгайтириш мақсадида транспорт эгаларининг мажбурий суғурталаш тизими маблағлари ҳисобидан тўловларни кафолатлашни кучайтиришга дахлдор таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги 222-сонли қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 30 июндаги ДС/03-02-32/3186-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф мажбурий суғурталаш маблағлари ҳисобидан тўловларни кафолатлаш тизимини кучайтиришга хизмат қилган;

суғурта институтларининг инновацион ривожланишига йўналтирилган интерактив, шу жумладан онлайн суғурта хизматларини кенгайтириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 30 июндаги ДС/03-02-32/3186-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф жорий этилиши онлайн суғурта хизматларини кенгайтириш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, шу жумладан, 1 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишланмалар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалари ўз ичига олган ҳолда 129 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертацияни тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Суғурта институтларининг ташкил топиши ва суғуртада инновацияларнинг назарий ва амалий асослари”** ёритилган, Ўзбекистонда суғурта институти ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари, суғурта бозори инфратузилмасининг мазмуни, институтлари ва элементларининг асосий белгилари, шунингдек суғуртада инновацияларнинг назарий ва амалий асослари тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Тадқиқотда Ўзбекистон суғурта институтининг ривожланиши давлат миқёсида ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида мавжуд шарт-шароитлар, миллий анъаналар ва маданият ҳисобга олинган ҳолда ислохотлар жорий этилган. Миллий суғурта бозорининг ташкил топиши ва шаклланиш босқичлар тадқиқ этилган.

Республикамиз суғурта институти ислох этилишининг биринчи босқичи (1991-1996 йиллар) суғурта бозорига хусусий суғурта компанияларининг кириб келиши ва Давлат суғуртасини трансформацияси жараёни бошланиши билан боғлиқ бўлиб, шаклланаётган суғурта тадбиркорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланган. Иккинчи босқични (1997-2002 йиллар) ҳозирда пешқадам бўлган суғурта бозорининг асосий институтлари шаклланган босқич, деб аташ мумкин. Ўзбекистон суғурта бозори шаклланиб, ривожланишининг учинчи босқичи 2002 йил бошида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан бошланиб бугунги кунга қадар давом этмоқда.

Ўзбекистон суғурта бозори давлат сиёсати туфайли ривожланиб, шаклланган ва бугунги кунда суғурта фаолиятини тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий базаси яратилган. У суғурта фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонуни, шунингдек, бир қатор бошқа қонуности ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуасидан иборат эканлиги ўрганилган.

Ўзбекистон суғурта бозори ривожланиши, шу жумладан суғурта амалиёти хусусан суғурта андеррайтинги ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратилишига омил бўлди. Охириги йилларда аҳолининг суғуртага

бўлган муносабатлари уларнинг суғуртачиларга бўлган ишончи ортиб, суғурта ишига жиддий ёндашилмоқда. Республикамиздаги суғурта компаниялари ходимлари профессионалликлари ҳам сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Суғурта бозорида ҳам суғурта хизматлари сифат жиҳатидан мукамаллигини ҳамда нарх жиҳатидан ҳамён кўтарадиган бўлишини таъминловчи – рақобат муҳитида такомиллашмоқда. Ўзбекистон суғурта бозоридаги рақобат муҳити суғурта бозори субъектлари томонидан шакллантирилади. Суғурта инфратузилмаси суғурта бозорини ташкил этувчи муҳим таркибий элемент ҳисобланиб, суғурта фаолияти равнақига хизмат кўрсатувчи фаолият турлари мажмуидир.

Суғурта инфратузилмаси – ривожланган ёки ривожланаётган суғурта бозорининг муҳим таркибий элементдир. Айнан сифатли суғурта хизматлари кўрсатилиши ҳамда суғуртанинг функцияларини самарали ва унумли бажарилишини таъминловчи, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ва бошқа соҳа мутахассислари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими деб талқин этиш ҳам мумкин.

Суғурта бозори инфратузилмасини суғурта фаолиятининг профессионал иштирокчилари, турли соҳа мутахассислари ҳамда суғурта муносабатлари ва фаолият юзасидан ҳамкорлик тартиби ҳамда асосини шунингдек, суғурта воситачилари (суғурта агенти, суғурта ҳамда қайта суғурта брокери, аджастер, актуарий, суғурта сюрвейери ва ассистанс) каби субъектлар ташкил этади. Ўзбекистон суғурта бозорининг асосий профессионал иштирокчилари 1-расмда келтирилган.




**1-расм. Ўзбекистон суғурта бозоридаги асосий профессионал иштирокчилар<sup>6</sup>**

Суғурта муносабатлари мажмуаси асосан шартномавий тарзда бўлиб ҳар бир босқичларини ўзида акс эттириб, объектив (аудиторлик фаолияти каби лицензия олинishi талаб этиладиган фаолият) ва субъектив (иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ёки аксинча) сабабларга кўра суғурта компаниясида турли соҳа ҳамда ихтисослик бўйича мутахассислар жалб этилишини тақозо этади.

<sup>6</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тузилган.

Маълумки, суғурта бозорида унинг муҳим субъект суғурталовчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан махсус ўзига хос хизмат – суғурта маҳсулоти сотилади. Суғурта бозорида иккита асосий субъект (харидор-суғурталанувчи ёки суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи – сотувчи) мавжуд бўлиши муҳимдир. Суғурта бозорининг бошқа субъектлари (суғурта воситачилари суғурта агенти, суғурта ҳамда қайта суғурта брокери, аджастер, актуарий, суғурта сюрвейери, ассистанс ва бошқалар) эса, суғурта бозорида суғурта хизматлари сотилиши ва хизмат кўрсатилиши унумли ва самарали бўлишини таъминлашга йўналтирилгандир.

Суғурта институтларининг (2-расм) ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантиришда суғурта бозори инфратузилмаси субъектларининг функционал вазифаларини, бажаришларини кетма-кетликда ёритиб бериш мақсадга мувофиқдир.



**2-расм. Суғурта бозори инфратузилмаси<sup>7</sup>**

Суғурта бозорининг икки асосий иштирокчиси (сотиб олувчи-суғурталанувчи ёки суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи – сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ўртасидаги алоқаларни амалга ошириш юзасидан ўзига хос воситачилар талаб этилади. Суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида суғурта воситачилари - суғурта агенти ва суғурта ҳамда қайта суғурта брокерлари томонидан амалга оширилади.

Молиявий хизматлари тадрижий ривожланиши босқичларида инновацияларни қўллаш кенг имкониятларни очиб беради. Молия хизматларнинг янги турлари, хизматни кўрсатиш усул ва технологиялари, уларнинг сотув каналларини, янги инновацион инфратузилмани шакллантириш ва миллий молия бозорини ривожлантириш шароитида долзарб илмий аҳамият касб этади. Суғурта фаолияти асосан консерватив шаклланди, аммо инновацияларни жорий этиш билан бирга кўплаб хизмат

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

турларининг шаклланиши, уларни сотиш технологиялари қўлланилиши суғурта соҳасида турли молиявий мунособатларнинг юзага келишга омил бўлди.

Ҳозирда “Инновация”, “инновацион фаолият” ва “инновацион жараён” каби иборалар замонавий илм-фан соҳасида кенг қўлланилиб келинмоқда. Фаолият турлари ва соҳаларидан келиб чиққан ҳолда бу иборалар турлича талқин этилади. Бунда улар маълум бир ихтиролар, янгиликларни амалиётга жорий этиш, мавжудларини такомиллаштириш, моддий бўлгани каби улар номоддий интеллектуал инновациялар шаклида бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, “Инновация” тушунчаси турли адабиётларда турлича таърифланади. (1-жадвал)

1-жадвал

**“Инновация” тушунчасига берилган таърифлар шарҳи<sup>8</sup>**

Муаллиф	Таъриф мазмуни
Rogers E.M.	Янги ҳар қандай маҳсулот, хизмат ёки ғоя
Добрынин А.И., Тарасевич Л.С.	Маҳсулот ва хизматлар, технологиялар ва ишлаб чиқариш омилларининг ҳар қандай ўзгариши
Гринев А.В.	Ишлаб чиқариш жараёнларига янги сифатли омилларнинг жорий этилиши
Котлер Ф.	Туб янги маҳсулот ишлаб чиқариш механизмлари ёки жараёнлари
Doyle P.	Маҳсулот ёки хизматларнинг истеъмолдаги янги наф олиниши
Завлин Н.П. ва бошқалар	Глобал рақобатнинг стратегик омили
Юркевич А.М.	Янги ғояларни амалга ошириш жараёни
Юркевич А.М.	Ташаббускор манфаатларига турли хил устунликларни берадиган ноанъанавий ечимлар
Boddy D., Paton R.	Хом-ашёларни ишлатиш жараёнида унинг шакли, функцияси ва ишлаб чиқариш амалиётига босқичма-босқич ижобий таъсир кўрсатиш жараёни
Webster F.E.	Мавжуд маҳсулотни янгилаб турадиган ва унинг қийматини оширадиган янгиланиш жараёнлари
Друкер П.	Нархлар ва даромадларни узоқ вақт барқарор сақлаб қолишнинг бир йўли
Porter M.E.	Ишлаб чиқарувчиларнинг стратегик устуворлиги
Фахутдинов Р.А.	Иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва бошқа ижобий таъсирларни олиш мақсадида ўзгартиришга асосланган бошқарувни жорий этишнинг якуний натижаси
Лапко Е.А.	Техник ғояларни яратиш, ишлаб чиқариш ва уни дорамад олиш мақсаддида тижоратлаштириш билан боғлиқ комплекс
Санто Б.	Тўғридан-тўғри техник ва иқтисодий ўзгаришларга олиб келадиган тадқиқотларнинг техник-иқтисодий цикли
интернет- энциклопедия (Википедия)	Бозорда талаб этиладиган жараёнлар ёки маҳсулотнинг самарадорлиги ва сифати оширилишини таъминлайдиган янгиликларнинг жорий этилиши

Илмий жараёнларни тадқиқи орқали моддий жараёнларни яхшилаш борасида I.Shumpeter бу соҳада биринчилардан ҳисобланади. Табиийки,

<sup>8</sup> Хорижий адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан мустақил шакллантирилди.

барча илмий жараёнларга янгилик киритиш унинг қуйидаги ғояларга таяниб амалга оширилади:

- янги маҳсулотни яратиш;
- янги технологияни яратиш;
- янги бозорни ўзлаштириш;
- янги хом-ашё манбасини кашф қилиш;
- ташкилий янгиликни жорий этиш билан боғлиқ ҳаракатлар.

Ҳозирги кунда инновациялар жамиятнинг ҳамма соҳаларида ижтимоий, саноат, бошқарув ва бошқаларда кенг қўлланилиб келмоқда.

**2-жадвал**

### **Суғурта фаолиятида қўлланилаётган инновациялар классификацияси<sup>9</sup>**

Тижорат	Жамиятнинг интеллектуал ривожланишига ҳолдаги янги суғурта маҳсулотларини яратиш: – суғурта компаниясининг бозордаги ўрнини сақлаш ва кенгайтириш мақсадида янги суғурта маҳсулотларини яратиш; – суғуртанинг янги мажбурий турини жорий этиш
Техник	Янги техник ва технологик янгиликлар, хусусан: – интернет ва IT тизимларини қўллаш орқали электрон суғурта полисини яратиш; – интернет ва IT технологиялари ривожланиши билан боғлиқ янги рискларнинг олдини олиш (электрон рисклар, fishing – электрон фирибгарлик ва бошқа)
Молиявий	Молиявий соҳада янги рискларнинг пайдо бўлиши, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти жараёнида рискларнинг ўзгариши: – фойдани ололмаслик; – банкротлик рисклари; – ишлаб чиқаришдаги танаффуслар rischi
Ташкилий	Ташкилий инновациялар жорий этишда ва бу мижозлар уни суғурта маҳсулотларининг қулайлигини таъминлаш шароитида: – мавжуд суғурта маҳсулотлари бўйича қўшимча хизмат турларини жорий этиш; – суғурта ҳодисаси тўғрисида маълумотларни етказишни соддалаштириш (телефон ёки мобил иловалар орқали хабар бериш)
Ижтимоий	Янги бозорни эгаллаш: – суғурталанувчиларнинг ўзига хос эҳтиёжларига асосан янги суғурта маҳсулотини яратиш (экзотик уй ҳайвонларини, тананинг айрим қисмларини суғурталаш).

Инновацион фаолият – бу илмий тадқиқот натижалари ва уларни тижоратлаштиришга қаратилган рақобатбардош хизмат ва маҳсулотларнинг янги турларини бозорга жорий этиш билан боғлиқ фаолиятдир. Суғурта компаниясининг инновацион фаолияти суғурта хизматлар бозорида янги иш услубларини қўллашга қаратилган фаолиятдир, суғурта компаниясининг молиявий ресурсларини инвестицияга нисбатан ёки муқобил вариантда самарали даромад олишни назарда тутган фаолият туридир. Суғурта компанияларининг инновацион фаолияти қуйидагиларда намоён бўлади: янги маҳсулотни яратиш, сотиш каналлари, қайта суғурталаш, хизмат кўрсатишнинг янги усуллари ва шу каби.

<sup>9</sup> Хорижий адабиётлар таҳлили натижасида муаллиф томонидан мустақил тайёрланди.

Суғурта соҳасида инновациялар бу суғурта технологияларнинг ҳамкорликда янгича тарза қўлланилиши тушунилади, соҳада керакли натижага ва ўсишга оолиб келади.

Суғуртада даврийлик асосида қуйидаги уч турдаги инновациялар қўлланилади:

- Суғурта маҳсулотларини сотиш хажмини кенгайтиришга қаратилган инновациялар – қиммат хизмат турларидан ҳамёнбоп суғурта маҳсулотини сотишга ўтиш, яъни суғурта маҳсулотининг оммабоплигини ошириш. Ушбу инновациялар (маҳсулотлар) суғурта бозорининг экстенсив кенгайишига омил бўлади;

- Эришилган натижа ва даражани сақлашга йщналтирилган инновациялар. Бунда суғурта маҳсулоти суфатини яхшилаш, яъни янгиланган ва сотиш учун қулай маҳсулотга алмаштириш тушунилади;

- Самарадорликни оширишга йўналтирилган инновациялар – бу суғурта бизнесида харажатларни камайтириш ва суғурта маҳсулотларининг самарадорлигини оширувчи (масалан, интернетдан фойдаланиш суғурта компанияларига сотиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш имкониятини беради) инновациялар.

Қатор олимлар суғурта соҳасидаги қуйидаги инновацияларни ажратиб кўрсатган:

- инновацион маҳсулот – янги суғурта маҳсулотини яратиш ёки такомиллаштириш;

- техник инновация – суғурта маҳсулотини сотиш усулларини такомиллаштириш ёки янгиларини қўллаш;

- технологик инновациялар – суғуртада бизнес-жараёнини ўзгариши (реинжиниринг, маркетинг тадқиқотлари, янги таҳлил усуллари ва бошқалар);

- бошқарув инновациялари – оптимал бошқарув йўналишларининг ўзгариши (ташкилий тузилма, вертикал ёки горизонтал, иш ҳақи, рағбатлантириш, сифат менежменти ва бошқа маҳсулотлар жорий этиши).

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда молия, шу жумладан, суғурта институтлар инновацион фаолияти муҳим ўрин тутди. Суғурта институти асосий субъекти суғурта компаниялар томонидан инновацияларни киритишдаги суст фаолияти уларнинг хорижий компаниялар билан беллашиш имкониятини чекламоқда. Бу борада хорижий суғурта компаниялари фаолияти монополистик фаолиятга айланиб бормоқда.

Хизмат соҳасида инновациялар шунингдек, web-интерфейслар ва ассистанс дастурлари қўлланилишни назарда тутди. Суғурта фаолиятида web-дастурларни жорий этиш суғурта компанияларига масофадан миждозларга хизмат кўрсатиш имконини яратади. Бу эса суғурталовчининг иш юритиш харажатларини камайтиришга ва шартномани расмийлаштиришга кетадиган вақтини тежашга ёрдам беради. Суғурта фаолиятидаги дастурий интерфейс, яъни ҳаётни суғурталаш бозорида миждозларни ўз маблағлари ҳисобларида масофадан туриб кириши ва онлайн режимида жараённи бошқариш имконини беради. Ассистанс дастурлари

мижозларга суғурта ҳодисаси содир бўлганда маслаҳат ва кўшимча хизматлар тақдим этилишини таъминлайди.

Суғурта фаолияти бошқа тадбиркорлик фаолиятидан фарқи суғурта хизматларининг ўзига хос хусусиятларида шунингдек, молиявий ресурсларни шакллантириш ва жойлаштириш, компаниянинг ташкилий тузилиши ва ривожланиш стратегиясида ҳам намоён бўлади. Суғурта бозорида самарали ишлаши айнан инновацияларни қўллаш орқали юқори самарадорликни таъминлаш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи бобида “Суғурта институтларининг ривожланиш тенденциялари ва асосий кўрсаткичлар таҳлили” амалга оширилган, Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва асосий кўрсаткичлари таҳлили, қайта суғурталаш институтининг ҳолати, халқаро тажрибаси ва муаммоларни бартараф этиш механизмлари, суғурта институти фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилиб баҳоланган, шунингдек, боб якунида тегишли хулосалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотларига кўра 2018 йилда мамлакатда учта янги суғурта компанияси ўз фаолиятларини бошлаган. Натижада миллий суғурта бозорида суғурта компаниялари сони 30 тага етди. Ушбу компаниясининг иккитаси ҳаётни суғурталаш соҳасида (“Euroasia Life” ва “Kafolat Hayot” MChJ) ихтисослашган ва биттаси (“Арех Insurance” MChJ) умумий суғурта соҳасида фаолият юрита бошлаган. Шундай қилиб 2018 йилда умумий суғурта соҳасида 24 та компания ва ҳаёт суғуртаси соҳасида 6 та компания фаолият юритган.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари сони ва уларнинг ташкилий ҳуқуқий шакли динамикаси<sup>10</sup>

Йиллар	Жами суғурта компаниялари	Миллий (давлат) компаниялар	Акциядорлик жамиятлари	Масъулияти чекланган жамиятлар	Шўъба корхоналар
2012	33	1	10	20	2
2013	33	1	10	20	2
2014	31	1	10	18	2
2015	31	1	10	18	2
2016	26	1	10	13	2
2017	27	1	9	15	2
2018	30	1	9	16	4


Мамлакат суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг умумий миқдори жадал ўсиб, 1,6 трлн. сўмни ташкил қилган ва бу ўтган йилга нисбатан 76,3 фоизга кўпдир. 2018 йилда инфляция даражасини ҳисобга оладиган бўлсак, мукофотларнинг реал ўсиш сураъти 62,0 фоизда баҳоланди. Бу рақам 2018 йилда мамлакат ЯИМнинг ўсиш сураътларидан сезиларли даражада ошди, бу дастлабки маълумотларга кўра

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mf.uz](http://www.mf.uz) интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



5,1 фоиз ташкил этганлиги, бу эса, бозорининг умумий нисбатда ўсганлигини англатади.

2018 йилда жамланган суғурта мукофотларининг 28,4 фоизи давлат улуши бор суғурта компаниялари ҳиссасига тўғри келган, 2014 йилда бу кўрсаткич 42,3 фоизни ташкил этган эди.



**3-расм. 2014-2018 йилларда йиғилган суғурта мукофотларининг суғурта турлари бўйича ўзгариш тенденцияси (млрд.сўм)<sup>11</sup>**


2018 йил якунлари бўйича ихтиёрий суғурта турларидан йиғилган суғурта мукофотлари 1,37 трлн.сўмни ташкил этган ҳолда ўтган йилга нисбатан 98,0 фоизга ошган. Шу билан бирга, мажбурий суғурта турлари бўйича мукофотлар ҳам ижобий тенденциялар кузатилди.

Ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотларининг ўсиши умумий нисбатда суғурта бозорида ихтиёрий суғурта турларининг ўсишини ифода этади. Шундай қилиб, агар 2017 йилда ихтиёрий суғуртанинг улуши 74,8 фоизгача ошган бўлса, 2018 йил якунлари бўйича ушбу кўрсаткич 9,05 пунктга ўсган ва 83,9 фоизни ташкил этган. Бозорда ихтиёрий суғурта улушидаги бу ўсиш тенденцияси ижобий натижа сифатида баҳоланиб, мамлакатнинг суғурта бозорида амалдаги ўсиш суръатларини акс эттирмоқда.

Экспертларнинг фикрича, 2018 йилда суғуртада қоплама тўловларининг тез ўсиши кузатилган. Ҳисобот даврида компаниялар томонидан тўловлар 59,0 фоизга ўсган ёки 460,8 млрд. сўмни ташкил қилган. Бундай ўсишнинг асосий омили ҳаёт суғуртаси турлари бўйича суғурта тўловлари ошганлиги билан изоҳланади.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mf.uz](http://www.mf.uz) интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Суғурта қопламаси тўловлари доирасида ҳаётни ихтиёрий суғурталаш турларининг ўсиш тенденцияси сезиларли эканлиги аниқланди. Тадқиқ давомида ихтиёрий суғурта турлари бўйича тўловлар миқдори 92,0 фоизга ўсиб, 389,3 млрд. сўмни, мажбурий суғурта бўйича эса суғурта тўловлари ҳажми 6.0 фоизга ошиб, 71,5 млрд. сўмни ташкил этган.



**4-расм. 2014-2018 йилларда тўланган суғурта қопламаларининг суғурта турлари бўйича ўзгариш тенденцияси (млрд.сўм)<sup>12</sup>**

Натижада жами тўловлар бўйича ихтиёрий суғурта улуши 9,5 фоизга ортиб, 84,5 фоизга етган. Мажбурий суғурта билан боғлиқ тўловларнинг улуши 15,5 фоизни ташкил этган.



**5-расм. Суғурта мукофотларининг зарарлилик даражаси динамикаси (фоизда)<sup>13</sup>**

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mf.uz](http://www.mf.uz) интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2018 йил якунларига келиб суғурта мукофотларининг (суғурта тўловларининг суғурта мукофотларига нисбати) бозор учун зарарсизлиги 28,2 фоизга барқарорлашган. 2017 йилда эса бу кўрсаткич 18,8 фоиздан 29,1 фоизга ўсган эди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига кўра тадқиқ қилинаётган давр мобайнида компанияларининг инвестиция портфелининг жорий ҳажми 35 фоизга ошган ёки 1995,6 млрд. сўмни ташкил этган.

2018 йилда қилинган инвестициялар ҳажмининг сезиларли қисми банк депозитлари ҳисобига тўғри келган. Суғурта компанияларининг банк депозитларига йўналтирилган инвестициялари ҳажми 54,0 фоизга ортиб 1034,3 млрд. сўмни ташкил этган. Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 706,6 млрд. сўмга етган ва бу 2017 йил кўрсаткичига нисбатан 10,0 фоизга ортган. Натижада жами инвестициялар бўйича банк депозитларининг улуши 6,7 фоизга ортиб, 51,8 фоизни ташкил қилган. Қимматли қоғозларнинг улуши эса 8,0 пунктга пасайган ёки 35,4 фоизни ташкил қилган.


Бугунги кунда қайта суғурталаш суғурта бизнесининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Айни пайтда Республика суғурта бозорида фаолият юритаётган 30 та суғурта ташкилотлари бўлса, улар орасида фақатгина 6 та компания бевосита бошқа суғурталовчилар томонидан суғурталанган йирик қалтисликларни ўз зиммасига олувчи – кирувчи қайта суғурталаш фаолияти билан ишлаш имкониятига эгадир<sup>14</sup>.

Шуни таъкидлаш ўринлики, қайта суғурталаш бўйича абсалют кўрсаткичларнинг ўсиши суғурта бозоридаги қайта суғурта операциялари ҳажми улуши ўсишини англамайди. Бу ўсиш фақатгина миллий суғурта бозоридаги суғурта мукофотларининг ҳажми умумий ўсиши билан узвий боғлиқдир. Миллий суғурта компаниялари қайта суғурталашни катта ҳажмда хорижий компаниялар билан амалга оширишига сабаб қайта суғуртага катта рискларни қабул қилишга ихтисослашган компанияларнинг камлиги билан изоҳланади.

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mf.uz](http://www.mf.uz) интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>14</sup> Ўзбекистонда қайта суғурталаш бўйича ўрнатилган минимал устав капитал 30,0 млрд.сўмни ташкил этади. Ушбу 6 та суғурта компанияларининг устав капиталлари ўрнатилган тартибдан юқори бўлганлиги сабабли кирувчи қайта суғурта фаолияти билан шуғулланишади.



**6-расм. 2011-2018-йилларда қайта суғурта мукофотлари ҳажми (млрд. сўм)<sup>15</sup>**

Юқорида 2011-2018-йилларда Ўзбекистон қайта суғурта бозори қайта суғурта мукофотларининг ўсиш тенденцияларини таҳлил этадиган бўлсак, (6-расм) 7 йил давомида ўсиш бўлиб хусусан, дастлабки йилларда ўсиш ҳажми 104 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 137 фоиз, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 122,6 фоиз, жами йиллардаги ўсиш эса 2011 йилга нисбатан 2018 йилда 300,1 фоизга етган.

#### 4-жадвал

**Қайта суғурта компанияларининг суғурта бозоридаги ҳолатфаолияти кўрсаткичлари ва улуши (млрд. сўм)<sup>16</sup>**

№	Суғурта ташкилоти номи	Суғурта мукофоти (2018 й.)	Суғурта бозоридаги улуши % да	Суғурта тўловлари (2018 й.)	Суғурта бозоридаги улуши % да
1	“Ўзагросуғурта” АЖ	178,0	10,9 %	65,6	14,2 %
2	“Ўзбекинвест” ЭИМСК	169,1	10,3 %	31,0	6,7 %
3	“Gross Insurance” МЧЖ	153,5	9,4 %	15,0	3,3 %
4	“Кафолат суғурта компанияси” АЖ	116,7	7,1 %	30,6	6,6 %
5	“Алфа Инвест” МЧЖ	82,5	5,0 %	9,1	2,0 %
6	“Инго-Ўзбекистон” АЖ	27,8	1,7 %	3,1	0,7 %
	<b>жами</b>	<b>727,6</b>	<b>100 %</b>	<b>154,4</b>	<b>100 %</b>

Жадвал маълумотларидан, 6 та қайта суғурта компаниялари жамлаган суғурта мукофотлари 727,6 млрд. сўмни ташкил этган ёки суғурта бозоридаги суғурта мукофотларидаги улуши 44,4 фоиз даражасида бўлганлигини кўриш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, суғурта компанияларининг фаолияти бошқа хўжалик субъектлари фаолиятидан кескин фарқланади. Чунки, улар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда ва суғурта ҳодисалари рўй

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mf.uz](http://www.mf.uz) интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mf.uz](http://www.mf.uz) интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

берганда етказилган зарарни қоплаш учун хизмат қиладилар. Бу ҳолат, суғурталовчилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди ва шунинг учун, уларнинг фаолияти давлат томонидан назорат қилинади.

Ўзбекистон суғурта соҳасида давлат назорати зарурлиги бир қатор омилларнинг таъсирида кечади. Ушбу омилларнинг асосийлари куйидагилардир:

- суғурта соҳаси бир томон молиявий институт сифатида, иккинчи томондан мулкчиликни ҳимоя қилиш институт сифатида ўзига хос роль ўйнайди;

- жамоат манфаати нуқтаи назаридан суғурталовчи суғурта хизматига мос келмайдиган нархни белгилаши, шартномаларнинг мазмуни ва шартларига нисбатан суғурта қилдирувчининг огоҳ этмаслиги замирида суиистеъмол қилиш эҳтимоли мавжуд. Бундай ноаниқликлар суғурта ходисаси юзага келганидан сўнг аниқланиши мумкин;

- суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш зарурлигини аниқловчи сабабларнинг гуруҳи суғурта компанияси суғурта қилдирувчи олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмаганида, суғурта компанияларининг тўловга қодир эмаслиги ёки молиявий нобарқарорлиги оқибатида юзага келади. Бу нафақат суғурта шартномасида кўзда тутилган мол-мулк ёки бошқа зарарни қоплаш билан, балки суғурта бозорининг истиқболини ҳам белгилайди.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Ўзбекистонда суғурта институтларини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари”** ёритилган. Ўзбекистонда суғурта институтларини инновацион ривожлантириш истиқболлари, суғурта воситачилари ва янги суғурта институтларини жорий этиш йўналишлари ва фаолиятини тартибга солишда инновацион назорат турларини жорий этиш йўналишлари аниқланган ҳамда боб бўйича хулосаларда ўз аксини топган.

Суғурта бозорининг иштирокчилари суғурта омбудсмани институтини жорий этиш зарурияти аллақачон ўз ечимини топиши асосий муаммо ҳисобланади. Суғуртанинг ривожланиши ўз навбатида, унинг янги хизмат турлари пайдо бўлиши тақозо этади, бу эса компания ва мижозлар ўртасидаги келишмовчиликлар сони ортиб боришидан далолат беради.

Суғурта омбудсмани институти ташкил этилиши аҳолининг молиявий саводхонлиги ва хабардорлигини ошириши мумкин. Суғурта бозори, суғурта маҳсулотлари, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари, шунингдек уларни ҳимоя қилиниши борасида жамоатчиликни мунтазам равишда хабардор қилиб бориш зарур.

Суғурта соҳасида суғурта омбудсман институтини ривожлантириш шунингдек, суғурта бозори субъектлари муносабатларини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқадиган суғурта механизмларини такомиллаштиришга олиб келади ҳамда суғурта компаниялари ва суғурта муносабатлари субъектлари ўртасида зиддиятли вазиятларни тезкор ҳал этиш имконини беради, суғурта бозорининг қонуниятларига кўра профессионаллик даражаси ортади, суғурталанувчи ва суғуртачи ўртасидаги ҳамкорликни давом

эттириш, полис эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда умумий ёндашувларнинг қарор топишини таъминлашга шарт-шароит яратади.



**7-расм. Суғурта омбудсманининг фаолият механизми.<sup>17</sup>**

Ўзбекистонда ҳам суғурта омбудсмани институтининг жорий этилиши бир қатор муаммоларни ижобий ҳал қилишга яқиндан ёрдам бериши табиий жумладан:

1. Суғурта даъволарини кўриб чиқишда суд амалиётидаги қарама-қаршилиқлар.

2. Суғурталанувчиларнинг суғурта компаниялари фаолияти борасида шикоятлари сонининг ортиб бориши.

3. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органларининг суғурталанувчи, наф олувчи ва суғурталанган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигининг пастлиги ёки умуман олиб борилмаслиги.

4. Суғурта компаниялари томонидан миждоз мурожаати тўғри баҳоланмаслиги.

